

**ТАЪЛИМ СОҲАСИДА МЕДИА ВОСИТАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ
ПСИХОЛОГИК-ПЕДАГОГИК ЖИҲАТЛАРИ**

Файзиев Мирзаали Асфандиёрович

**Самарқанд давлат университети Педагогика кафедраси доценти, педагогика фанлари
номзоди,**

Шониязова Ирода Муродуллаевна

Самарқанд давлат университети магистранти

**ПСИХОЛОГО-ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ МЕДИА-
МАТЕРИАЛОВ В ОБРАЗОВАНИИ**

Файзиев Мирзаали Асфандиёрович

**Доцент кафедры педагогики Самаркандского государственного университета кандидат
педагогических наук,**

Шониязова Ирода Муродуллаевна

Магистрант Самаркандского государственного университета

**PSYCHOLOGICAL AND PEDAGOGICAL ASPECTS OF THE USE OF MEDIA IN
EDUCATION**

Fayziev Mirzaali Asfandiyorovich

**The senior lecturer of chair of pedagogics of the Samarkand state university the candidate of
pedagogical sciences,**

Shoniyazova Iroda Murodullaevna

Magister of Samarkand State University

Аннотация

Мақолада таълим тизимида электрон медиадан фойдаланиш, медиа воситаларининг муҳим хусусиятлари, тарбиявий имкониятлари, медиа воситаларининг психологик-педагогик жиҳатлари ҳақида фикр юритилган.

***Калит сўзлар.** Медиа, мультимедиа, гиперматн, эргономик талаблар, иллюстрациялар, рефлексия, виртуал реаллик, аутизм, фобиялар.*

Аннотация

В данной статье раскрываются психолого-педагогические аспекты о внедрении и использовании электронных медиа в системе образования, а также важные особенности средств медиа в образовании.

***Ключевые слова:** Медиа, мультимедиа, гипертекст, эргономические требования, иллюстрации, рефлексия, виртуальная реальность, аутизм, фобии.*

Resume

Reveals the psychological and pedagogical aspects of the introduction and use of electronic media in the education system, as well as important features of media in education this article.

***Basic words.** Media, multimedia, hypertext, ergonomic requirements, illustrations, reflection, virtual reality, autism. phobias.*

Ҳозирги даврдаги техника ва технологиялар тараққиёти ОАВ, ахборот манбалари ва ахборот етказиб берувчилар (кутубхоналар, архивлар, Интернет ва б.) фаолиятининг бекиёс кенгайишига олиб келиб, фуқароларга унинг улкан ҳажмидан фойдаланиш ва алмашилиш имконини яратди. Натижада, фуқаролар ушбу ахборотнинг ишончли эканлигини баҳолаш, ўз фикрини эркин айтиш борасидаги ҳуқуқларини тўлақонли амалга ошириш имкониятига эга бўлмоқда. Шунинг учун ҳам талабаларнинг медиа ва ахборот саводхонлигини таъминлашдек долзарб масала кўндаланг қўйилмоқда.

«Медиа» атамаси (лотинча – medium, яъни восита, воситачи, усул) турли кўринишдаги коммуникация ва ахборот воситаларини англатади. Медиа тушунчаси мазмунига ахборотни

яратиш, нусхалаштириш, тарқатиш воситаси ҳамда муаллифлар ва оммавий аудитория ўртасида ахборот алмашинувининг техник воситалари киради [1].

Замонавий ахборот ва коммуникация технологиялари «ўртача» ўқувчига мўлжалланган, ўқув материалининг ўқитувчи томонидан тасвирланиши асосида ётган жамоавий ўқитиш доирасида таълим жараёнини индивидуаллаштириш ва фаоллаштириш имкониятини беради. Анъанавий таълим тизими усуллари оммавий ахборот воситалари ва коммуникация имкониятлари сабабли янгича ривожланишга эга бўлади. Медиа таълим тизимига янгича ўзгаришлар киритиб, ўқув фанларини ўзгача тарзда қайта куради [2].

Таълим тизимини ахборотлаштириш билан боғлиқ психологик муаммолар кўпқирралидир. Кўпчилик жиҳатдан, бу ҳолат медиаларнинг таълим жараёнидаги ўрни, ўқувчининг медиа билан, ўқитувчининг ўқувчи билан мулоқоти муаммосидир (бугунги кунда ўқувчининг компьютер билан фаол равишда тезкор, фаол ва интерфаол ҳолда мавжуд компьютер дастурлари ва ўқувчи орасидаги мулоқот сифатида кўриб чиқилмоқда). Демакки, бугунги кунда инсонни медиа томонидан бошқариш таъсиридан озод этиш муаммоси тобора илмий аҳамиятга эга бўлиб бормоқда, бунга эса жараёни назорат этиш, компьютерларни глобал ва локал тармоқларга бирлаштириш орқали эришилиши мумкин.

Россиялик мутахассис А.В.Осин электрон медиа воситаларининг таълим тизими учун тақдим этаётган янги имкониятларини кўриб чиқар экан, бешта янги педагогик усуллар ҳақида сўз юритади. Масалан, интерфаоллик, илк маротаба ўқитувчи иштирокисиз аттестация қилиш имкониятини беради. Коммуникативлик ахборотни қисқа муддатларда етказиш, ўқув жараёнини бошқариш, малакали педагоглар билан маслаҳатлашиш имкониятини бериб, бунда уларнинг қаерда эканлиги муҳим эмас.

Аммо мазкур имкониятлар электрон медиа воситаларининг таълим-тарбия жараёнида қўлланилиш педагогик аспектида (контекст, латинча contextus – жипс, боғланиш, қўшилиш деган маънони англатади. Оғзаки ёки ёзма нутқнинг нисбатан тугал қисми) ҳам кўриб чиқилиши муҳим аҳамиятга эга бўлади. Мультимедиадан фойдаланиш маълумот қабул қилиниши ва хотирада сақлаб қолиниши учун янги психологик шароитларини яратиб беради. Янги ахборот технологияларининг таълим соҳасида қўлланилишида таълим жараёни йўналтирилишини талаб этиб, миянинг ахборотни қабул қилиш имкониятини оширувчи оптимал функционал ҳолатлар яратилиши ҳисобига таълим самарадорлигини ошириш имкониятини беради. У мия томонидан ахборотни қайта ишлаш принципи асосида ётадиган нейрофизиологик механизмлар қўлланилишига таяниб, шу билан биргаликда миянинг таълим олиш имкониятларини таъминлайди. Мультимедиа, бир вақтнинг ўзида бир неча ахборот узатиш каналларидан фойдаланиб, турли воситалар бир-бирига ёрдам бериши учун шароит яратиб беради. Ўқувчилар олдида катта имкониятлар юзага келиб, бунда ижодий ёндашувнинг турли қирралари очилиши эвазига ҳар бир ахборот манбаси бир-бири билан узвийликда қўлланила бошлайди.

Медиа воситаларининг муҳим хусусиятларидан бири – турли жараёнларнинг образли, кўرғазмали равишда намоён этиш бўлиб, бунда кўрғазмали вариантлар турли назарий тушунчалар билан биргаликда намоён бўлади.

Медиа ёрдамида моделлаштириш объект ёки ҳодисанинг турли шароитларда инсон барча ҳиссиёт аъзолари жалб этилган ҳолда, у ҳақда ёрқин, образли тасаввур келиб чиқишига ёрдам беради. Гиперматн технологияси олдин олинган билимларни мустаҳкамлаш мақсадида, мантиқий фикрлаш ривожланиши, таълим меҳнати ижодий асосини кучайтириш имкониятини беради.

Замонавий ахборотни тақдим этиш воситалари таълим материалларига нисбатан эргономик талабларни ҳисобга олиш даражасини ошириш имкониятини беради: шрифт ҳажми ва тури, матнга нафақат расмлар, балки товуш фрагментлари ва киноклипларни киритиш имкониятини беради. Эргономик нуқтаи-назардан янгича ҳолат юзага келади: ўқувчи ўзига мақбул, эргономик жиҳатдан ихчам маълумотлар кўринишини танлаб олади. У мустақил равишда, тармоқдан олинаётган ахборотнинг зарур жумлаларини танлаб олиши, муайян тартибга исботни қуриши, фикрлаш образини акс эттира олиши мумкин. Натижада, ўқувчилар

масала моҳиятини яхшироқ тушуниб, фанга нисбатан қизиқишини орттириши, ўқув адабиёти билан фаолроқ ишлаши мумкин бўлади [2].

Медиа қўлланилиши индивидуал таълимга қаратилади ва бу ҳолат умумий таълим-тарбия жараёнида юз беради. Бунда медиа тадқиқот объекти ва таълим воситаси сифатида намоён бўлади. Таълимни индивидуаллаштириш жараёнида ҳар бир ўқувчи фаол, бевосита унга йўналтирилган фаолиятга жалб этилади. Бунда фикрлаш жараёни уйғониб, билим олиш эҳтиёжлари намоён бўлиб, ижодий фаоллик ривожланади.

Электрон медиа таълим олиш оптимал темпини танлаш, материални ўзлаштириш жараёнини назорат қилади ва натижа бир неча кундан кейин эмас, бевосита дарс жараёнида намоён бўлади. Ўқувчи материални ўзлаштириш бўйича ўз усул ва услубларига эга бўлади.

Медиа, шу билан биргаликда, тарбиявий имкониятларга ҳам эга бўлиб, алоҳида ёндашув, эътибор, ташкилийликни талаб этади. Компьютер билан ишлаш, ўз фаолиятини режалаштириш, масъулиятли қарорларни қабул қилиш имкониятини беради.

Интернет тармоғи ахборот ресурслари бутун дунёга машҳур санъат намуналари музей ва даргоҳларига виртуал саёҳат қилиш имкониятини беради. Мультимедиа энциклопедиялари ва телекоммуникация технологиялари, ўтмиш ва замонавий, жаҳон бадиий маданиятига ҳисса қўшган ижодкорлар ижодини тадқиқ этиш имкониятини беради. Бунда, компьютер тасвирий санъат, бадиий таъб шаклланиши, ўқувчилар фантазияси ва ижодий имкониятларини очиш куролидир [3].

Агарда анъанавий таълим олиш тизими рағбатга эришиш сифатида қабул қилинадиган бўлса (яхши баҳо олиш, имтиҳонни муваффақиятли равишда қабул қилиш), ахборот ва коммуникация технологиялари қабул қилиниши ўқувчи билим олиш имкониятларини шакллантиришга қаратилади, бу эса билим олиш самарадорлигини табиий равишда оширади. Бундай имкониятнинг шаклланиши тайёргарлик даражасидан келиб чиққан ҳолда ўқув фаолияти варианти ва темпи танлови имкониятидан, қизиқ вазибалар, кўрсатмалар, методик ёрдам кўринишидаги ўқувчи билим олиш соҳасига махсус ва номахсус таъсири орқали амалга оширади (тармоқда ишлаш пайтида, тизим ва ўқувчи, ўқувчи ва педагог, тизим ва педагог орасида интерфаол диалог орқали). Шундай қилиб, ахборот ва коммуникация технологиялари воситалари ўқиш жараёни психологик омилини кучайтиради.

Таълимни ахборотлаштиришнинг ижобий томонларини акс эттирувчи таълим-тарбия соҳасида медиа воситалари қўлланилиши юқорида тилга олинган хусусиятлари билан бир қаторда, таълим тизимини ахборотлаштириш психологик аспектларини тилга олувчи қатор ҳолатлар мавжудки, улар ўзига нисбатан салбий муносабатни келтириб чиқаради.

Иллюстрациялар, расмлар, графика матн ахборотини ўзлаштиришга ижобий таъсир ўтказди, аммо шунга эътибор бериш керакки, турли ҳиссий қабул қилишларнинг оддий қўшилиши (кўриш, эшитиш, тактил ҳиссиётлар) билим олиш жараёнларини автоматик равишда яхшиламайди. Ўқитиш жараёнида мультимедиа воситалари қўлланилишининг муҳим шартли символ ва код тизимларининг фойдаланувчилар томонидан очилишидир.

Тематик қизиқиш ва билим олиш орасида боғлиқлик мавжуд. Медиа қўлланилган ҳолда ўқув ишининг яхши ташкиллаштирилиши, тақдим этилган мавзуга нисбатан қизиқишни келтириб чиқармайдиган мақсадсиз тадбирга айланади.

Коммуникация электрон воситалари қўлланилиши, ўзи билан биргаликда муайян янгилик эффектига эга бўлиб, материалнинг мотивацион ва қизиқарли тақдим этишига эга бўлиб, аммо бу қизиқиш ҳам муайян вақт ўтиши билан пасайиб боради.

Таълим жараёнида медиавоситалар қўлланилишида педагог қуйидаги хусусиятларни эътиборга олиши лозим. Яъни, медиа таъсири остида юзага келадиган янгиликлар, анъанавий мулоқот шартларига кўчиши мумкин. Психологлар тадқиқоти кўрсатишича, тақдим этилаётган материал аниқлиги, мантикийлиги ва кетма-кетлиги кучайиб, рефлексия мазмуни ошади, аммо мулоқот эмоционал воситалари роли пасаяди.

Ўқитилаётган шахсга нисбатан электрон медиа воситалари таъсири юқори ёки паст даражада акс этиши мумкин: психик ҳодисалар чекланган доирасидан бошлаб, шахс ўзгаришидан дарак берувчи глобал муаммоларгача (интернет-боғлиқлик, хакер синдроми ва бошқалар). Психологлар, педагоглар, ахборот технологиялари соҳаси мутахассислари, ўйин,

ўқув, профессионал каби турли фаолият турлари учун ахборотлаштириш оқибатлари тадқиқига нисбатан катта эътиборни тортади. Аммо, шахс психикаси глобал ўзгаришлари масалалари, кенг маънода ўрганилмаган.

Фаолиятнинг турли соҳаларига юқори исталган технологиялар татбиқ этилиши, асосан инсонни кундалик жараёнлардан озод этиш ва бунинг оқибатида унинг ривожланиши учун шароит яратиб беради. Демак, медиа татбиқ этилиши ҳам фаолият турларининг кўпчилигини кераксиз фаолият турларига айлантиради. Аммо, медианинг мақсадсиз қўлланилиши жиддий йўқотишларга олиб келиши мумкин. Масалан, мақсадсиз калкуляторларнинг қўлланилиши, ҳаттоки бошланғич мактабда ҳам оғзаки, хотирада тез санаш кўникмасидан маҳрум этади. Натижада, ўқувчилар сон тушунчаси билан ишлашни билишмайди, чунки сонлар билан боғлиқ асосий операциялар ҳақидаги тушунчага эга бўлишмайди.

Замонавий медиалар турли ахборотларни олиш имкониятига эга бўлади. Шу сабабли педагогнинг вазифаси ўқувчилар томонидан мустақил равишда олинган билимларни таълим олиш жараёни натижаси сифатида қабул қиладиган янги билимлар манбаига айлантиради.

Медиа кенг татбиқ этилиши асосида ўқувчилар шахси эмоционал ривожлантиришига қаратилган махсус чоралар қўлланилишини талаб этади. Ахборот технологиялари тўғридан-тўғри ва ёндашма таъсири остида шаклланаётган технократик фикрлаш, психологлар фикрига кўра инсон ва унинг қадриятлари (шу жумладан психотехникада ҳам) техника, замонавий дунё кундалик турмуши мазмуни, умуминсоний манфаатлар ва мазмун мақсадлари воситалари сифатида қабул қилинади.

Турли ҳолатларни моделлаштириш ва татбиқ этиш, ностандарт қарорларни амалга ошириш тасаввур, ижодий имкониятларни ривожлантиришга қаратилади. Таниқли психолог Й.Хазебрукнинг таъкидлашича, виртуал реаллик тизимлари билан ишлаш имконияти, ўқувчиларга кибермайдонда ғоя ташлаш билан бир қаторда аутизацияни ҳам келтириб чиқариши мумкин, яъни ёпиқлик, ичида сир сақлаш ва реал ҳаётдан узоқлашишни келтириб чиқаради [4].

Бунда, реал ҳаракатларнинг муайян виртуал моделларга алмашилиши юз берадиган бўлса, шахс тўлақонли ривожланиши ҳақида гапириш мумкин бўлмайди. Шу билан биргаликда, аутизация ахборотлаштириш оқибати дейишимиз, шу жумладан медианинг таълим жараёнида қўлланилиши ҳақида гапиришимиз қийин. Аксинча, аутизм каби касалликлар даволанишида махсус компьютер тизимлари қўлланилиб, виртуал реаллик тизимлари қатор фобиялардан даволаниш имкониятини беради, масалан баландликдан қўрқишдан.

Шундай қилиб, медиа қўлланилиши оқибатлари ҳам ижобий, ҳам салбий бўлиши мумкин бўлиб, у ёки бу технология қўлланилишига нисбатан турлича ёндашувни талаб этади. Таълим-тарбия жараёнида электрон воситалар қўлланилишини режалаштирган ҳолда, педагог ўқувчи шахсига хос бўлган ўзига хосликларни эътиборга олиб, дарс режасини тузиши, материалнинг шахсга йўналтирилганлигини кўзда тутиши лозим, бу эса унинг ривожланиш йўналишларини белгилаб беради.

Хулоса қилиб айтганда, биз замонавий коммуникация технологияларидан кўпроқ ижобий мақсадларда фойдаланиш йўллари топишимиз мақсадга мувофиқдир. Ана шундай самарали йўللardan бири – таълим соҳасини медиа технологиялари билан янада такомиллаштиришдир. Демак, медиатаълим талабаларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш билан бир қаторда уларни турли мафкуравий тажовузлардан асрашда ҳам муҳим ўрин тутади.

Адабиётлар.

1. Маматова Я., Сулайманова С. Ўзбекистон медиатаълим тараққиёти йўлида. Ўқув қўлланма. -Т.: «Extremum-press», 2015. -94 б.

2. Лекционный курс (тезисы). Роль медиа в современном мире и образовании. <http://media-pedagogics.ru/lectures.html>

3. Тўлқин Эшбек. Медиатаълим: янги таълим усули сифатида. <http://sharh.uz/munosabat/item/17008-mediatelim-axborot-tv-radio-internet>

4. Баранов О.А. Медиаобразование в школе и вузе. – Тверь: Изд-во Тверского гос. ун-та, 2002. -87 с.